

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАРШИЕВА ДИЛАФРУЗ СУЮНОВНА

**ПЕДАГОГЛАРДА КАСБИЙ СТРЕСС НАМОЁН БЎЛИШИГА
ПСИХОЛОГИК ДЕТЕРМИНАНТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ.**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Психология фанлари бўйича фан доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии(DSc)) психологических наук**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctoral of Philosophy (DSc)
on Psychological Sciences**

Қаршиева Дилафруз Суюновна

Педагогларда касбий стресс намоён бўлишига психологик детерминантларнинг таъсири.....3

Қаршиева Дилафруз Суюновна

Влияние психологических детерминантов на проявление профессионального стресса у педагогов.....31

Kharshiyeva Dilafruz Suyunovna

Psychological features of the manifestations of professional stress in a pedagogical person61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....66

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАРШИЕВА ДИЛАФРУЗ СУЮНОВНА

**ПЕДАГОГЛАРДА КАСБИЙ СТРЕСС НАМОЁН БЎЛИШИГА
ПСИХОЛОГИК ДЕТЕРМИНАНТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ.**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/P149 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**
Педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Абдурасулов Рустам Абдурайимович**
психология фанлари доктори, профессор

Саидов Азамат Исмоилович
психология фанлари доктори, доцент

Баратов Шариф Рамазонович
психология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди .
(2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.А.Акрамова
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., доцент

Н.Б.Атабаева
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, психология
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

З.Т.Нишоновна
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, психол.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда стресс муаммоси инсон шахсининг рухий саломатлигига раҳна солувчи ташқи ва ички ноқулай вазиятларга ноодатий реакциясини ифодаловчи адаптация синдроми бўлиб, унинг хавфлилиги шундаки, глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви натижасида қайси ёш, жинс, фаолият тури билан банд бўлишидан қатъий назар, юқори динамизм, вақт етишмаслиги, ортиқча иш юки, педагогик вазиятларнинг мураккаблиги оқибатида юзага келадиган зўриқиш, ташвиш, қайғу ва бошқа мураккаб стрессоген вазиятларни юзага келтиради. Бугунги кунда «аср касаллиги» деб эътироф этилган стресснинг 65%¹ини сабаби стрессоген вазият юзага келтирса-да, инсон психологияси орқали касбий фаолиятини самарали ёки мутлақ аҳамиятсиз этиб кўрсатишига таъсир этиши мазкур муаммони чуқур ва атрофлича ўрганиш заруратини кўрсатади ҳамда долзарб аҳамият касб этади. Бу борада стресснинг инсон саломатлигига таъсир этувчи стрессоген омилларни илмий тадқиқ этишда турли экстремал вазиятларнинг инобатга олиниши, стрессни бошқариш, шахс рухий ва жисмоний саломатлигига таъсирини пасайтиришда психик таъсир усуллари кўллаш масалаларини илмий тадқиқ этиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий муассасаларида педагог ходимларнинг профессионал-психологик билимларини ўрганиш, тизимлаштириш орқали психологик мезонларни ишлаб чиқиш, касбий стресс намоён бўлишига психологик детерминантлар таъсирининг ўзига хос жиҳатлари, омиллари ва компонентларини аниқлаш масалаларига қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада стрессга барқарорликни ривожлантириш моделини яратиш ва такомиллаштиришга мўлжалланган махсус моделлаштирилган топшириқлардан иборат психодиагностик методикалар мажмуини ишлаб чиқиш бўйича изланишларни олиб бориш ва педагогларнинг психоэмоционал барқарорлигини таъминловчи механизмларини аниқлаш орқали ривожлантиришга йўналтирилган психотехникаларни яратишга эътибор кўрсатиш зарурати юзага келмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда фуқаролик жамиятининг жадал шаклланиши ва мақсадли ривожланиши, мамлакат ҳаётида турли соҳалар фаолиятининг сифат жиҳатидан янги даражасига эришишида замонавий педагог кадрларни тайёрлаш масалаларининг зарур ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди. «Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш»² муҳим вазифалар сифатида белгиланиши, педагогнинг касбий компетентли бўлиши билан бирга воқеаларни объектив баҳолаш асосида позитив фикрлай олишни илмий тадқиқ этиш имкониятлари яратилганлигини кўрсатади. Натижада педагогларда касбий стресс намоён бўлишига таъсир этувчи омилларни олдини

¹World Health Organization – www.who.int – Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий сайти (мурожаат ҳолати 10.10.2019)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.06.2022 йилдаги ПҚ-289 сон «Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисида».- <https://lex.uz/uz/docs/6079561>

олиш, таълим сифатини такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқотларни чуқурлаштиришга қаратилган янгича назарий ечимларни топиш учун мустаҳкам асос яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида» Фармонлар, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 7 июндаги 472-сон «Психология соҳасидаги кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлар тўғрисида» Қарорлар ҳамда фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган кенг қўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертацион тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Бугунги кунда педагог ходимларда касбий стресс намоён бўлишига психологик детерминантларнинг таъсир этувчи ижтимоий-психологик омилларни тадқиқ қилиш, ривожлантириш ва унинг фаолият самарадорлигига таъсирини белгилашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Yale university (USA), Harvard University (USA), Stanford University (USA), Belfield pedagogical university (Germany), University of Melbourne (Australia), National University of Singapore (Singapore), Seoul of National University (South Korea), Москва давлат педагогика ва психология институти (Россия Федерацияси) томонидан олиб борилмоқда.

Жаҳонда педагог ходимларнинг стрессни келтириб чиқарувчи омиллар ҳамда стрессга бардошлилик омилларини ривожлантириш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида ижтимоий-психологик жиҳатларни фаолият

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар АҚШнинг Yale University (URL:<https://www.yale.edu>), Harvard University (URL:<https://www.harvard.edu>), Stanford University (URL:<https://www.stanford.edu>), Германиянинг Belfield pedagogical university (URL:<https://www.uni-bielefeld.de>), Австралиянинг University of Melbourne (URL:<https://www.unimelb.edu.au>), Сингапурнинг National University of Singapore (URL:<https://www.nus.edu.sg>), Жанубий Кореянинг Seoul of National University (URL:<https://www.snu.ac.kr>), Россиянинг Москва давлат педагогика ва психология институти (URL:<https://www.mgppu.ru>) ларида олиб борилмоқда.

жараёнида такомиллаштириш мезонлари тизимлаштирилган (Harvard University, USA); педагог ходимларининг психологик компетентлигини ривожлантиришга мўлжалланган копинг стратегия ишлаб чиқилган (Stanford University, USA); педагог ходимлар психологик тайёргарлик омилларини шакллантиришнинг комплекс механизмлари яратилган (Belfield pedagogical university, Germany); шахслараро муносабатларда ижтимоий идентификациянинг намоён бўлиши ва таъсири аниқланган (University of Melbourne, Australia); ижтимоий-психологик компетентликни тафаккур жараёни билан боғлиқ назарий ва эмпирик асослари такомиллаштирилган (National University of Singapore, Singapore); профессионал компетентликни ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари яратилган (Seoul of National University, South Korea); педагог ходимлар деантологиясини шакллантиришнинг психологик омиллари такомиллаштирилган (Москва давлат педагогика ва психология институти, Россия Федерацияси).

Жаҳонда педагог ходимлар фаолиятида касбий стресс намоён бўлишига таъсир этувчи психологик омилларни аниқлаш бўйича қуйидаги йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда: рақобатдош кадрлар тайёрлашнинг психологик механизмларини такомиллаштириш, стрессга барқарорликнинг педагог ходимлар фаолият самарадорлигига кўрсатадиган таъсирини оширишнинг чора-тадбирларини белгилаш; қўлга киритилган илмий натижаларни амалда кенг татбиқ қилиш; стрессни бартараф этиш модели ва концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда унинг психологик истиқболларини илмий-назарий, эмпирик жиҳатдан таҳлил қилиш кабилар шулар жумласидандир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда стресс феноменининг педагогик фаолиятга психологик таъсири хусусиятлар билан боғлиқ муаммолари бир қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, Б.С.Абдуллаева, Ю.М.Асадов, А.А.Бекназаров, Р.З.Гайнутдинов, А.М.Жабборов, М.Капланова, З.Б.Мадалиева, И.И.Махмудов, А.И.Расулов, Э.З.Усманова, Г.В.Хрульнова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган⁴. Таҳлил шуни кўрсатадики, республикамизда касбий стресс муаммоси педагогик фаолият ва педагог шахсининг эмоционал соҳаси, стресс ва унинг психофизиологик жиҳатлари илмий тадқиқ этилган. Лекин касбий стресс муаммоси алоҳида тадқиқот предмети сифатида, айнан педагог шахсида касбий стресс намоён бўлишига таъсир этувчи психологик детерминантлар ва унинг касбий фаолияти, психоэмоционал ҳолати, касбий фаолиятга тайёрлик, рефлексивлик ҳамда коммуникативлик даражаси билан боғлиқ ҳолатда махсус илмий тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган.

⁴ Усманова Э.З. Мотивационно-эмоциональная регуляция мышления в условиях межличностного взаимодействия Автореферат дис.к.пс.н. Москва-1986, с. 26; Р.З.Гайнутдинов Психология личности учителя узбекской национальной школы и ее формирование в непрерывного образования: Дисс. Док.психол.наук. Санкт Петербург: 1992, с. 354; М.Капланова «Ўзбек мактаблари ўқитувчиси шахсининг психологик хусусиятлари Психологические особенности личности учителя узбекской школы – Т.: 1993; И.И.Махмудовнинг «Педагогик жамоадаги психологик муҳитнинг этнорегионал ва ёшга оид жиҳатлари Этнорегиональные и возрастные аспекты психологического климата педагогических коллективов – Т.: 1994; А.А.Бекназаров Психологические особенности взаимоотношений между учителям и учащемся: Автореферат диссертации кан.пс.н. – Т.:1994. с. 20; Ю.М.Асадов Индивидуально-психологические особенности учителя и их учет в процессе повышения квалификации: Автореферат дисс. Кан.пс.н. – Т.: 1995, с. 23; А.М.Жабборов Ўзбек мактаби ўқитувчисининг психологик ва этник хусусиятлари Т.: 1999; А.И.Расулов «Ўқитувчи шахсининг тарбиячи сифатида ўқувчилар билан ўзаро муносабати даражалари» Т.: 2001; Хрульнова Г.В. Психологические особенности постстрессовых состояний у подростков: Автореф.дис. канд. психол. наук, 2006. -24 с; З.Б.Мадалиева Эмоциональное состояние учителя: особенности проявления и способы регуляции Т.: 2009.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан В.В.Барабанщикова, В.А.Бодров, Н.Э.Водопьянова, Л.Г.Дикая, А.Н.Занковский, Л.А.Китаев-Смык, Н.В.Мальцева, А.Б.Леонова, Н.В.Самоукина, Е.В.Шеметковаларнинг илмий ишларида психологик стресс инсон организмидаги физиологик мослашиш механизмининг натижаси сифатида талқин қилинган бўлиб, стресснинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда когнитив жараёнларнинг информацион стресс билан боғлиқлик томонларига устувор аҳамият берилган. Аммо стресс, касбий муаммо сифатида илмий ўрганилмаган.

Хориж тадқиқотчиларидан А.Т.Beck, Dj.Sherit and G.Salvendi, W.Cannon and G.Celera, DJ.Witkin ва бошқалар⁵ стресс билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишган бўлса-да, лекин стресс ва психик бузилишлар орасидаги ўзаро боғлиқлик, касбий бузилишлар, касбий фаолият ҳамда инсон психофизиологияси орасидаги корреляцион алоқадорлик, педагогик фаолиятдаги касбий стресслар, рефлексивликнинг педагог фаолиятидаги аҳамияти ва унинг касбий стресс билан боғлиқлик жиҳатларини тадқиқ этмаганлар.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-126-рақамли «Ўзбекистон ёшларида психологик етуқлик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностика воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга тадбиқ этиш» фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади педагогларда касбий стресс намоён бўлишига таъсир этувчи психологик детерминантларни очиб бериш асосида стрессга барқарорликни шакллантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

педагогларда касбий стресснинг намоён бўлишига таъсир этувчи сабаб, омилларни таҳлил этиш;

педагогларда касбий стрессни вужудга келтирувчи сабаб, мотив, омилларнинг психодиагностикасини амалга ошириш;

педагогларда касбий стресснинг психик ва копинг хулқ-атвор билан ўзаро алоқадорлигини эмпирик тадқиқ этиш;

касбий стресснинг рефлексивлик, мулоқотдаги коммуникативлик билан боғлиқлик жиҳатларини таҳлил қилиш асосида зарур тавсиялар ишлаб чиқиш;

⁵ Cannon, W.B. The wisdom of the body. New York: W.W.Norton, 1932. P. 214; Selye, H. Syndrome Produced by Diverse Nocuous Agents / Wayback Machine. Nature vol.138, July 4 (1936), P. 32; В.А.Бодров Психологический стресс: развитие и преодоление. М.: PerSe. 2006. С.146-148; Дж.Виткин Женщина и стресс. СПб., Питер, 1996. С. 82-102; Beck А.Т. The diagnosis and management of depression. – Philadelphia: University of Pennsylvania Press. 1967. P.12-20; Н.Э.Водопьянова Психодиагностика стресса. СПб. Питер., 2009. С.44-51; Л.Г.Дикая Зависимость вызванных потенциалов от функционального состояния человека / Автор. Дис. к.психол. н. М., 1975. 26 с.; А.Н.Занковский Организационное лидерство в пространстве корпоративной культуры. / Автореф. дис. док. психол.н. М., 2012. 35 с.; Л.А.Китаев-Смык Организм и стресс: стресс жизни и стресс смерти. СПб., Питер. 2012, С.234-238; А.Б.Леонова Психологические средства оценки и регуляции функциональных состояний человека / Автореф. Дис. Док. Психол. н., М., 1988. 42 с.; Н.В.Самоукина Психология профессиональной деятельности. СПб., Питер 2004., С.128-132; Дж.Шерит, Г.Салвенди. Технический и эргономический аспекты автоматизированного производства. М.Мир, 1991. Т.6. С. 401-406; В.В.Барабанщикова Профессиональные деформации в профессиях инновационной сферы / автор. Дис. док. Психол. н., М., 2016. 36 с.; Н.В.Мальцева Проявления синдрома психического выгорания в процессе профессионализации учителя в зависимости от возраста и стажа работы / Автореф. дис. к.психол.н. Казань. РГПУ. 2005. 24 с.; Шеметкова Е.В. Профессиональный стресс в деятельности педагогов, работающих с умственно отсталыми детьми в условиях коррекционной школы-интерната / автор. дис. к. психол.н. / Ярославль. ЯГУ. 2009. – 25с.

педагоглардаги касбий стресс даражасини камайтиришга қаратилган касбий стрессни бартараф этиш моделини яратиш ва қўллашга оид зарур таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида касбий стресс намоён бўлишига психологик детерминантларнинг таъсир этиш жараёни танланган бўлиб, тадқиқотга Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 304-сон мактабнинг 41 нафар, Наманган вилояти Поп туманидаги 10-сон мактабнинг 32 нафар, 27-сон мактабнинг 41 нафар ҳамда Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 4-сон мактабнинг 42 нафар, 24-сон мактабнинг 48 нафар, Тошкент Давлат Педагогика Университетининг 57 нафар, Бухоро Давлат Университетининг 88 нафар ҳамда Қарши Давлат Университетининг 53 нафар педагоглари, жами 402 нафар респондентлар жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети педагогларда касбий стресс намоён бўлишига таъсир этувчи психологик омиллар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш, суҳбат методлари, шунингдек, Б.С.Абдуллаева, Д.С.Қаршиеваларнинг муаллифлик «Педагогларда касбий стрессни келтириб чиқарувчи психологик омилларни аниқлаш» сўровномаси; Д.Фонтаннинг «Касбий стресс даражасини аниқлаш шкаласи», А.В.Карпов, В.В.Пономареваларнинг «Рефлексивлик даражасини аниқлаш» методикаси, Р.С.Немовнинг «Жамоанинг ўзини ўзи ижтимоий-психологик баҳолаш» сўровномаси, В.Симонов, Ю.Дементьевларнинг «Шахснинг педагогик фаолиятга тайёргарлиги ва адаптивлигини баҳолаш» методикаларидан фойдаланилди. Олинган натижаларнинг статистик ишончлилик даражаси математик статистика методларидан: Студентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг r-корреляция коэффициенти орқали тасдиқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

касбий стресснинг даражавий ифодаланишида касбий рефлексия, коммуникатив компетентликнинг аутопсихологик сифатлар билан интегратив намоён бўлиши туфайли педагогик фаолият билан боғлиқ динамик хусусиятларнинг мавжудлиги асосланган;

педагогларнинг инновацион касбий фаолиятга тайёрлигининг касбий стресс намоён бўлишига таъсирини аниқлашнинг диагностика имкониятлари ижодий фаолият, коммуникативлик, ахборотларни когнитив қайта ишлаш жараёнини рефлексив баҳолаш муҳимлигига кўра «Шахснинг педагогик фаолиятга тайёргарлиги ва адаптивлигини баҳолаш методикаси» сўровномасини психодиагностик фаолиятга киритиш асосида такомиллаштирилган;

педагоглардаги касбий стресснинг намоён бўлишида шахс рефлексив жиҳатларининг ижтимоий-перцептив хусусиятларда дифференциал намоён бўлишига кўра, ижтимоий-психологик компетентликнинг ривожланганлик даражаси муҳим таъсирга эга эканлиги асосланган;

педагоглардаги касбий стресснинг намоён бўлишига ижтимоий муҳитнинг таъсири натижасида педагогик баҳо, вазиятни когнитив баҳолаш, ижтимоий-психологик компетентликнинг ўзаро уйғун намоён бўлиши туфайли,

«конфронтацион», «когнитив баҳолаш» копинг услубининг устувор характерга эга эканлиги асосланган;

«Педагог касбий стрессга бардошлиликнинг ижтимоий-психологик омиллар» модели орқали педагогнинг иродавий, эмоционал, коммуникатив қобилиятини шакллантириш муҳимлигига кўра, когнитив, хулқий, ҳиссий механизмларни интеграциялаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

педагогик фаолиятда касбий стресс намоён бўлишининг педагогик стажи билан боғлиқлик жиҳатлари илмий фактлар асосида ёритиб берилган;

педагог ходимларда касбий стресс намоён бўлишига таъсир этувчи – психологик омилларнинг тадқиқ қилиш модели яратилган ва унинг натижалари амалиётда қўлланилган;

педагогларда касбий стресснинг вужудга келишига таъсир этувчи педагогик жамоадаги ижтимоий-психологик муҳит ва педагогнинг индивидуал психологик хусусиятлари билан боғлиқ далиллар келтирилганлиги касбий стресс репрезентативлигини прогнозлаш имкониятини оширган;

педагогик фаолиятдаги касбий стрессга мойилликни ортишига олиб келувчи психоэмоционал омилларнинг таъсири эмпирик жиҳатдан таҳлил қилинган;

касбий стрессни намоён бўлишига таъсир этувчи психологик омилларни аниқлаш орқали касбий стрессга барқарорликни шакллантириш технологияси ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. муаммонинг аниқ қўйилганлиги, халқаро миқёсда тан олинган методик воситалар, маълумотларнинг репрезентативлиги, эмпирик изланишлар назарий чуқур асослаб берилганлиги; аниқланган кўрсаткичларнинг ишончли илмий манбаларга асосланганлиги; кузатиш, суҳбат, ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС), касбий стрессни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлашга мўлжалланган Д.Фонтан, В.Симонов, Ю.Дементьев, Р.С.Немов, Н.П.Фетискин, В.В.Козлов ва А.В.Карпов, В.В.Пономарева усулларида фойдаланилганлиги; эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил қилинганлиги, натижалар «MsExcel», К.Пирсоннинг r-корреляция коэффициенти, Стъудентнинг t-мезони ёрдамида тадқиқот жараёнида олинган эмпирик материалларни қайта ишлаш, уларнинг статистик аҳамиятлилик даражаси; илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти педагоглардаги касбий стресснинг педагогик иш стажининг аҳамияти, педагогнинг касбий фаолиятга тайёрлик даражаси, жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитнинг касбий стресслар билан алоқадорлиги, педагогнинг рефлексивлиги, ижтимоий компетентлиги, копинг хулқининг боғлиқлик жиҳатлари ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш ҳамда муайян тизимга солиш орқали педагогик психология, касб психологияси, психологик хизмат, умумий психология каби фанларни эмпирик далиллар

билан бойитилганлиги, педагоглардаги касбий стрессга барқарорликни шакллантиришда шахс индивидуал психологик хусусиятларини, эмоционал, когнитив омилларни ҳисобга олган ҳолда психокоррекцион таъсир усулларини таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган натижаларнинг педагогларда касбий стрессга барқарорликни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилишида, педагогик фаолиятдаги касбий стрессни вужудга келишига таъсир этувчи омиларни ўрганиш орқали педагог шахсига психологик таъсир этиш технологиясини ёритиб берилишида, касбий стрессга барқарорликни оширишнинг амалий имкониятларини такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари психолог кадрлар амалий тайёргарлигини оширишга ёрдам бериши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагогларда касбий стресс намоён бўлишига психологик детерминантларнинг таъсирини ўрганишга доир олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари асосида:

касбий стресснинг даражавий ифодаланишида касбий рефлексия, коммуникатив компетентликнинг аутопсихологик сифатлар билан интегратив намоён бўлиши туфайли педагогик фаолият билан боғлиқ динамик хусусиятларнинг мавжудлиги асосланган маълумотлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 16 ноябрдаги 12-сонли буйруғига асосан «Ривожланиш психологияси» модули мазмунига сингдирилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 16 ноябрдаги ПМ-14-сон маълумотномаси). Натижада бўлғуси педагог-психологларда педагог шахси ҳамда педагогик фаолият билан боғлиқ касбий стресс ҳақидаги билимларини такомиллаштириш орқали уларнинг касбий компетентлик даражасини ортишига эришилган;

педагогларнинг инновацион касбий фаолиятга тайёрлигининг касбий стресс намоён бўлишига таъсирини аниқлашнинг диагностик имкониятлари ижодий фаолият, коммуникативлик, ахборотларни когнитив қайта ишлаш жараёнини рефлексив баҳолаш муҳимлигига кўра «Шахснинг педагогик фаолиятга тайёргарлиги ва адаптивлигини баҳолаш методикаси» сўровномасини психодиагностик фаолиятга киритиш асосида такомиллаштирилган маълумотлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 16 ноябрдаги 12-сонли буйруғига асосан «Психодиагностика» модули мазмунига сингдирилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 16 ноябрдаги ПМ-14-сон маълумотномаси). Натижада тингловчиларнинг касбий стресс ва унга таъсир этувчи детерминантларнинг ўзига хос жиҳатларига оид илмий-методик таъминотининг бойитилишига ва педагог-психологларнинг касбий стрессни намоён бўлишини прогнозлаш имкониятини берувчи кўникмаларини шакллантиришга эришилган;

педагоглардаги касбий стресснинг намоён бўлишида шахс рефлексив жиҳатларининг ижтимоий-перцептив хусусиятларда дифференциал намоён

бўлишига кўра, ижтимоий-психологик компетентликнинг ривожланганлик даражаси муҳим таъсирга эга эканлиги асосланган маълумотлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 16 ноябрдаги 12-сонли буйруғига асосан «Касб психологияси» модули мазмунига сингдирилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 16 ноябрдаги ПМ-14-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак педагог-психологларнинг касбий фаолият психологияси, шахс рефлексив жиҳатларини ривожланишига оид услубий-таъминотнинг бойитилишига эришилган;

педагоглардаги касбий стресснинг намоён бўлишига ижтимоий муҳитнинг таъсири натижасида педагогик баҳо, вазиятни когнитив баҳолаш, ижтимоий-психологик компетентликнинг ўзаро уйғун намоён бўлиши туфайли, «конфронтацион», «когнитив баҳолаш» копинг услубининг устувор характерга эга эканлиги асосланган таклифлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 16 ноябрдаги 12-сонли буйруғига асосан «Касб психологияси» модули мазмунига сингдирилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 16 ноябрдаги ПМ-14-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак амалиётчи психологларнинг «эмоционал толерантлик», «касбий стрессга барқарорликни»ни ривожлантириш борасидаги касбий компетенциялари такомиллаштирилган;

«Педагог касбий стрессга бардошлиликнинг ижтимоий-психологик омиллар» модели орқали педагогнинг иродавий, эмоционал, коммуникатив қобилиятини шакллантириш муҳимлигига кўра, когнитив, хулқий, ҳиссий механизмларни интеграциялашга оид маълумотлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 16 ноябрдаги 12-сонли буйруғига асосан «Психологик тренинг асослари» модули мазмунига сингдирилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 16 ноябрдаги ПМ-14-сон маълумотномаси). Натижада амалиётчи психологларнинг педагоглар жамоаси билан касбий стрессни бартараф этишга қаратилган психокоррекцион тадбирларни олиб бориш кўникмасини шакллантириш бўйича амалий кўникмаларини шакллантиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, шундан 13 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Тадқиқот натижалари бўйича Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк Агентлигидан 1 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, тавсиялар фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 205 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар белгиланган, методлар, объект ва предмет аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, шунингдек, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётда тадбиқ этилиши, илмий нашрларда эълон қилиниши, диссертацион ишнинг тузилиши юзасидан маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Касбий стресс муаммосининг педагогик- психологик манбаларда ўрганилганлиги» деб номланган биринчи боби мазмуни адабиётлар таҳлиliga қаратилган бўлиб, унда У.Кэннон, Г.Селье, Н.М.Сандомирский, В.А.Бодров, А.Т.Бек, Г.Л.Каплан Н.Л.Фербароу, Э.Ғ.Ғозиев, Э.З.Усманова, З.М.Мадалиева, М.Капланова каби психологларнинг мавзуга оид назарий қарашлари умумлаштирилган ва касбий стрессни келтириб чиқарувчи омилларга оид маълумотлар тизимлаштирилган. Стресс инглизча «stress» (зўриқиш, босим) деган сўздан олинган бўлиб, организмнинг турли ноқулай омилларга ноодатий адаптацион реакциялари мажмуидир. Касбий стресс эса, айнан меҳнат жараёнидаги жадал шароити туфайли юзага келадиган психологик зўриқиш ҳолатидир. Касбий стрессни келтириб чиқарувчи омилларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) объектив – меҳнат шарт-шароитлари, раҳбар ва ҳамкасблар билан шахслараро муносабатлар; б) субъектив – шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари билан боғлиқ омиллар.

Касбий стресс муаммоси қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган ва касбий стрессни келиб чиқиш модели ишлаб чиқилган. Касбий стресснинг вужудга келишини батафсилроқ таҳлил қилиш имконини берувчи моделлардан бири Мак Грасс томонидан таклиф этилган. Ушбу моделга биноан, стресснинг манбаи объектив вазият ҳисобланади. Мазкур вазият унинг баҳолаш механизми орқали субъектив равишда акс эттирилгандек идрок этилади. Бу баҳо махсус реакцияни намоён бўлиши ҳақидаги қарорларни қабул қилиш босқичига ўтади. Реакциялар асосан ҳулқ-атворли, физиологик ва психологик жиҳатларни ўзаро бирлашган ҳолда эмас, балки онгли ҳулқ-атвор сифатида намоён бўлади

Ишнинг биринчи бобида касбий стресс вужудга келишига оид назариялар таҳлили келтирилган. Шу билан бир қаторда илмий манбаларда келтирилган педагоглардаги касбий стресснинг турли омиллари юзасидан илмий ҳулосалар шакллантирилган.

Диссертациянинг «Касбий стресс намоён бўлишининг психологик хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобида, аввало касбий стресснинг педагогик фаолиятда намоён бўлиши педагогик стажга боғлиқлик томонлари ва унга таъсир этувчи омилларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиб берилган


Тадқиқот методикаси синалувчилар гуруҳида ўтказилиб, тўпланган маълумотлар миқдор ва сифат жиҳатидан таҳлил қилинди ҳамда жадвал ва диаграммаларда акс эттирилди.

1-жадвал

Педагогларда касбий стресснинг намоён бўлиш хусусиятлари

Касбий стресснинг намоён бўлиши	Педагоглар	Ўртача қиймат	t (Стюдент мезони қиймати)	p (ишонч даражаси)
10 йилгача	Умумтаълим мактаби	32,94	3,92*	$p \leq 0,05$
	Олий таълим	29,43		
15 йилгача	Умумтаълим мактаби	30,67	3,50	$p > 0,05$
	Олий таълим	28,95		
15 йилдан юқори	Умумтаълим мактаби	33,71	2,65**	$p \leq 0,01$
	Олий таълим	29,25		

Изох: * $p \leq 0,05$; ** $p \leq 0,001$



1-расм. Педагогларда касбий стресснинг намоён бўлиш кўрсаткичлари.

Жадвалда келтирилган натижаларга кўра, умумтаълим мактабларида ва олий таълим муассасаларида фаолият юритадиган 10 йилгача иш стажига эга педагогларда касбий стресснинг намоён бўлишида аҳамиятли тафовутлар кузатилди ($t=3,92$; $p \leq 0,05$). Кўрсаткичлардан маълумки, мактаб ўқитувчиларида олий таълим муассасаларида ишлайдиган педагогларга қараганда стресс даражаси юқорироқ бўлиб, иш фаолиятининг дастлабки йилларида зўриқиш ҳолатлари уларда кўпроқ учрайди. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, мактабга мослашув жараёнлари, педагогик тажрибанинг етарли шаклланмаганлиги, иш

юкламасининг кўплиги, ўқувчилар билан ишлашдаги қийинчиликлар касбий стресснинг ривожланишига ўз таъсирини ўтказди.

15 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўқитувчилик касби билан шуғулланиб келаётган умумтаълим мактаблари ва олий таълим муассасалари педагогларида касбий стресснинг намоён бўлиши ўрганилганда, аҳамиятли фарқлар қайд этилди ($t=2,65$; $p\leq 0,01$). Натижалардан кўриниб турибдики, олий ўқув юртлиларида фаолият юритадиган педагогларга нисбатан ўрта таълим муассасада ишловчи ўқитувчиларда касбий стресс кўпроқ кузатилади. Хусусан, уларда тафаккурдаги ригидлик, ижтимоий стереотиплар, ишчанлик даражасининг пастлиги, юқори даражадаги хавотирланиш, эмоционал зўриқишлар, чарчоқ, эмоционал нотурғунликнинг юқорилиги, аксарият синалувчилар 25-30 йиллик иш стажига эга эканлигини ҳисобга олсак, улардаги нафақага чиқиш билан боғлиқ хавотирланишнинг кучлилиги билан ҳарактерланади.

Тадқиқот давомида 15 йилгача иш стажига эга бўлган умумтаълим мактаблари ва олий таълим муассасалари педагогларида касбий стресснинг намоён бўлишида аҳамиятли тафовутлар кузатилмади. Таълимнинг турли бўғинларида ишлайдиган педагог ходимларда мазкур давр мобайнида стресснинг юзага келиш даражаси ўзаро бир-биридан тубдан фарқ қилмайди.

Методика натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, умумтаълим мактаблари ва олий таълим муассасалари педагогларида касбий стресснинг ривожланиш даражаси ўзаро аҳамиятли тарзда фарқланади. Айниқса, бундай тафовутланиш ҳолатлари 10 йилгача ва 15 йилдан ортиқ иш стажига эга ўқитувчиларда кўзга ташланади.

Дессертациянинг учинчи бобида эса «Педагогларда касбий стресс намоён бўлишига таъсир этувчи психологик омиллар» деб номланиб, мазкур бобда «Педагогларда касбий стрессни келтириб чиқарувчи психологик омилларни аниқлаш» суровномаси (Б.С.Абдуллаева, Д.С.Қаршиева); Н.П.Фетискин ва В.В.Козлов томонидан ишлаб чиқилган «Социал-коммуникатив компетентлик» (СКК) методикаси; «Рефлексивлик даражасини аниқлаш» методикаси (А.В.Карпов, В.В.Пономарева) ҳамда математик статистика методлари (К.Пирсоннинг r -корреляция коэффициенти, Стьюдентнинг t -мезони) ёрдамида тадқиқот жараёнида олинган эмпирик материалларни қайта ишлаш, уларнинг статистик аҳамиятлилик даражасини аниқлаш учун фойдаланилган.

Педагогларда касбий стресс намоён бўлишининг психологик детерминантларини аниқлар эканмиз, айнан педагог учун зарур бўлган рефлексивликка ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз. Айнан рефлексивлик – бу одамнинг ўз “мен”идан ташқарига чиқиши, шахслар билан таққослаш орқали ниманидир тушиниши, ўрганиш таҳлил қилишдир. Шундай экан, биз педагогларимизда В.В.Пономарева ва А.В.Карповнинг “рефлексивлик даражасини аниқлаш” методикаси ўтказилиб, олинган маълумотлар миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилинди ва қўйидаги жадвалда акс эттирилди.

**Умумтаълим мактаблари педагогларида касбий стресс ва
рефлексивлик орасидаги алоқадорлик**

Шкалалар	Иш стажи	Фаолиятнинг ретроспектив рефлексияси	Реал фаолият рефлексияси	Фаолиятни режалаштириш	Мулоқотдаги рефлексия ва бошқа инсонлар билан ўзаро таъсир
Касбий стресснинг намоён бўлиши	10 йилгача	0,10**	-0,34	-0,90*	-0,44
	15 йилгача	-0,48	-0,45*	0,05	-0,69*
	15 йилдан юқори	0,18	-0,41	-0,69	-0,27**

Изоҳ: * $p \leq 0.05$; ** $p \leq 0.01$

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, 10 йилгача иш стажига эга бўлган умумтаълим мактаби педагогларида касбий стресс фаолиятнинг ретроспектив рефлексияси ($r=0,10$; $p \leq 0,01$) билан аҳамиятли мусбат боғлиқлик қайд этилган бўлса, фаолиятни режалаштириш ($r=-0,90$; $p \leq 0,05$) билан манфий корреляцион алоқадорликка эга эканлиги аниқланди. Бундан шуни англаш мумкинки, таълим жараёнида юзага келадиган зўриқиш ҳолатлари ўтмиш хотираларига боғланиб қолиш, содир бўлган воқеа-ҳодисаларда кўпроқ ўзини айбдор сифатида талқин қилишга олиб келади.

15 йилгача иш стажига эга бўлган педагогларда касбий стресс реал фаолият рефлексияси ($r=-0,45$; $p \leq 0,05$), мулоқотдаги рефлексия ва бошқа инсонлар билан ўзаро таъсир ($r=-0,69$; $p \leq 0,05$) билан салбий алоқадорликни ташкил этиши кузатилди. Натижалардан маълум бўладики, меҳнат жараёнида пайдо бўладиган касбий стресслар педагогларда қанчалик юқори бўлса, “Шу ерда ва ҳозир” тамойилида яшаш, айна пайтда содир бўладиган воқеликка диққатни қаратиш, мулоқот жараёнида ўзга шахслар билан муносабатларни таҳлил қилиш, бошқа инсонларнинг эмоционал ҳолатини тушуниш каби муҳим сифатларнинг ривожланиш эҳтимоли шунчалик камайиб боради.

15 йилдан юқори иш стажига эга бўлган педагогларда касбий стресс мулоқотдаги рефлексия ва бошқа инсонлар билан ўзаро таъсир ($r=-0,27$; $p \leq 0,01$) билан манфий корреляцион боғлиқликка эга эканлиги маълум бўлди. Натижалардан шуни қайд этиш жоизки, педагогларда узоқ муддат давомида мактабда фаолият юритиш натижасида касбий стресснинг ортиши низоли вазиятлар келиб чиққанда, ўзга шахсларни айбдор сифатида кўриш, атрофдаги инсонларнинг истакларини тўғри идрок қилолмаслик, турли келишмовчиликларга сабабчи бўлиш, мулоқотни тўғри йўлга қўя олмаслик каби ҳолатларнинг ҳам ортиб боришига олиб келади.

Юқорида келтирилган натижалар асосида шуни таъкидлаш жоизки, умумтаълим мактаби педагогларида касбий стресс ва рефлексивлик

компонентлари орасида корреляцион алоқадорликлар кузатилди. Олий таълим педагогларининг натижалари эса қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.

3-жадвал

Олий таълим педагогларида касбий стресс ва рефлексивлик орасидаги алоқадорлик

Шкалалар	Иш стажи	Фаолиятнинг ретроспектив рефлексияси	Реал фаолият рефлексияси	Фаолиятни режалаштириш	Мулоқотдаги рефлексия ва бошқа инсонлар билан ўзаро таъсир
Касбий стресснинг намоён бўлиши	10 йилгача	-0,39	-0,91	-0,28*	-0,52*
	15 йилгача	-0,28	-0,40*	-0,44*	-0,09
	15 йилдан юқори	0,37**	-0,57*	-0,90	-0,67*

Изох: * $p \leq 0.05$; ** $p \leq 0.01$

Жадвалда келтирилган натижаларга кўра, 10 йилгача иш стажига эга бўлган олий таълим педагогларида касбий стресс фаолиятни режалаштириш ($r = -0,28$; $p \leq 0,05$), мулоқотдаги рефлексия ва бошқа инсонлар билан ўзаро таъсир ($r = -0,52$; $p \leq 0,05$) билан манфий корреляцион алоқадорликка эга эканлиги аниқланди. Бундан маълум бўладики, таълим жараёнида намоён бўладиган стресс ҳолатлари келажакда бажарилиши лозим бўлган ишларни режалаштириш, уни амалга ошириш йўллариини излаш сингари фаоллик хусусиятларининг ривожланишига тўсик бўлади.

15 йилгача иш стажига эга бўлган педагогларда касбий стресс реал фаолият рефлексияси ($r = -0,40$; $p \leq 0,05$), фаолиятни режалаштириш ($r = -0,44$; $p \leq 0,05$) билан салбий алоқадорликни ташкил этиши аниқланди. Натижалардан англаш мумкинки, иш фаолиятида пайдо бўладиган касбий стресслар педагогларда қанчалик юқори бўлса, реал вазиятларни таҳлил қилиш, айти пайтда содир бўладиган воқеликка диққатни қаратиш, келгуси фаолиятни йўлга қўйиш, мақсадга эришиш усулларини амалда қўллаш каби муҳим сифатларнинг такомиллашуви шунчалик камайиб бориши кузатилади.

15 йилдан юқори иш стажига эга бўлган педагогларда касбий стресс фаолиятнинг ретроспектив рефлексияси ($r = 0,37$; $p \leq 0,01$) билан аҳамиятли ижобий боғлиқлик қайд этилган бўлса, реал фаолият рефлексияси ($r = -0,57$; $p \leq 0,01$), мулоқотдаги рефлексия ва бошқа инсонлар билан ўзаро таъсир ($r = -0,67$; $p \leq 0,05$) билан манфий корреляцион алоқадорликка эга эканлиги аниқланди. Мазкур кўрсаткичларни шундай изохлаш мумкинки, педагогларда узоқ муддат давомида мактабда фаолият юритиш натижасида касбий

стресснинг ортиши ўтмиш хотираларига боғланиб қолиш, содир бўлган воқеа-ҳодисаларда кўпроқ ўзини айбдор сифатида талқин қилишга сабаб бўлади.

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилганда, педагогларда касбий стрессларнинг намоён бўлиши рефлексивлик даражалари билан бевосита боғлиқликни ташкил этади. Хусусан, бунда фаолиятнинг ретроспектив рефлексияси, реал фаолият рефлексияси, фаолиятни режалаштириш, мулоқотдаги рефлексия ва бошқа инсонлар билан ўзаро таъсир даражалари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мазкур тадқиқотимизда педагогларнинг компетентлигини янада мукамалроқ ўрганиш учун муаллифлик сўровномамиздан фойдаландик. Ушбу сўровнома натижалари орқали таълим тизими педагогларида социал-психологик компетентлиги яъни, перцептив компетентлик, коммуникатив компетентлик, когнитив компетентлик, аутопсихологик компетентлик бўйича ўтказилди.

Энди бевосита муаллифлик сўровнома натижалари асосида олинган эмпирик маълумотларни кўриб чиқамиз.

4-жадвал.

Педагогларнинг касбий компетентлигини аниқлаш натижалари

№	Шкалалар	Умумўрта таълим педагоглари		ОТМ педагоглари	
		М	Ўрни	М	Ўрни
1	Перцепция	15,30	2	15,33	4
2	Коммуникация	16,03	1	13,57	3
3	Когнитивлик	12,10	4	16,07	2
4	Аутопсихик	12,73	3	15,75	1

Изоҳ: М=ўртача қиймат

Мазкур суровнома орқали биз таълим тизими педагогларида компетентликни аниқлаб олдик. Натижаларни эса қўйидагича изоҳлашга ҳаракат қилдик. Демак, натижаларга кўра, умумўрта таълим педагогларида айнан юқори ўринда педагогларнинг “Коммуникация компетентлиги” (16,03), фахрли иккинчи навбатда “Ижтимоий-перцепция компетентлиги” (15,30) бўлса, учинчи навбатда “Аутопсихик компетентлиги” (12,73) ва тўртинчи навбатда “Когнитивлик компетентлиги” (12,10) факторлари эканлиги тадқиқот жараёнида аниқланди.

Натижалардан кўриниб турибдики, айнан ўмумтаълим педагогларида касбий, ижтимоий – психологик компетентликнинг коммуникатив компетентлиги энг асосий компетенлардан бири эканлиги натижаларда акс этган.

Иккинчи ўринда мазкур вакил педагогларида перцептив компетентлик эгаллаши бежис эмас албатта. Бунда ўқувчиларнинг ички дунёсини ўқий олиши ва шахслараро муносабатларда улар билан соғлом, психоэмоционал мулоқотда бўлишга интилади.

Учинчи ўринда эса аутопсихик компетентлик муҳим ҳисобланиб, айнан бу компетентлик педагогларда ўз ҳатти-ҳаракатларини тўғри бошқара олиш, ўз шахсий хусусиятларини адекват баҳолай олиш қобилиятини намоён этади. Бу эса педагог фаолиятида касбий фаолият самарадорлигини таъминловчи компонентлардан бири эканлигини изоҳлайди.

